



Уловдаги киши пиёдага, юриб кетаётган киши ўтирганга, озчилик кўпчиликка салом беради

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Уловдаги киши пиёдага, юриб кетаётган киши ўтирганга, озчилик кўпчиликка салом беради», дедилар. Имом Бухорий ривоятида: «Кичик каттага, юрган ўтирганга, озчилик кўпчиликка салом беради», деганлар.

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам салом бериш одобларига бизни йўлламоқдалар. Кичик каттага, уловдаги киши пиёдага, юриб кетаётган киши ўтирган одамга, озчилик кўпчиликка салом беради.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/4243>

النجاة الخيرية
ALNAJAT CHARITY

